



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 223 (8713). ● 20 ноябрь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачевнинг Р. Рейган билан учрашуви

19 ноябрь куни Женевада КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан учрашуви бошланди.

Авалгига КПСС Марказий Комитети Бош секретари

ри билан АҚШ президенти ўртасида яқинам-яқна суҳбат бўлди. Сўнгги суҳбатда: Совет томонидан: Э. А. Шеварднадзе, Г. М. Корниенко, А. Ф. Дорнин, А. Н. Яковлев, Л. М. Замятин, А. М. Александров;

Америка томонидан: Ж. Шульц, Д. Риган, Р. Макфарлейн, А. Хартман, Р. Рижуй қатнашдилар.

Суҳбатлар куннинг иккинчи ярмида давом эттирилди.

(ТАСС).


М. С. ГОРБАЧЕВ АҚШ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 19 ноябрь куни АҚШдаги урушга қарши энг катта ҳаракатлар ва тинчлик тарафдорларининг илтимосига биноан уларнинг делегациясини қабул қилди.

АҚШнинг таниқли жамоат арбоблари — президентликка собиқ номзод Жесси Жексон, ядровий қуроллар қўлайтирилмаслиги учун қурашувчи миллий кампаниянинг ижрочи директори Жейн Грюнебаум, оқилона ядровий сиёсат учун кураш миллий комитетининг ижрочи директори Дэвид Кортрайт,

Риверсайд черкови қуролсизланиш марказининг раҳбари Кора Вайс, «Олий даражадаги самарали учрашув тарафдори бўлган аёллар» ҳаракатининг раҳбари Жастин Мерритт ва бошқалар олий даражадаги Женева учрашувида муваффақият тиладилар. М. С. Горбачевга тинчлик илтимосомасини топширдилар. Илтимосномага ядро қуролли асраҳоналарини қўлайтирилмаслиги, АҚШ Совет Иттифоқидан иборат олиб ҳамма ядровий синовларини тўхтатишни талаб қилиб чиқарган бир ярим миллион америкалик имзо чеккан.

(ТАСС).



СУРАТДА: суҳбат пайти.

(ТАСС фотоси).

Швейцария Президентининг айтганлари

ЖЕНЕВА. 18 ноябрь. (ТАСС). Швейцария Конфедерациясининг Президенти К. Фурглер КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан учрашув тугагандан кейин журналистларга қуйидагиларни айтди:

Учрашувимиз чоғида ҳар иккала томоннинг ўзаро му-

носабатларини яхшилаш мудо-диси конкретлаштирилди. Мухим ва гўят самарали мулоқот бўлиб ўтди. Биз хавфсизлик проблемаларига тўхталиб, ҳозирги ишонсизлик иқлими ўрнига ишонч муҳи-ти ўрнатилишига, ҳеч бўлмаганда, вазиятни яхшилаш истаги ва яхши келажакка ишонч мавжуд, деб ҳисоб-

лаш имконини берадиган ишонарлар яна пайдо бўлишига интилий мавжудлигини тасдиқладик. Биз СССР каби буюк давлат билан Швейцария ўртасида маданият, экономика, спорт соҳасидаги муносабатларни мустаҳкамлашдан ўзаро манфаатдорлигини таъкидладик. Икки томонлама

алоқалар барча соҳаларда мустаҳкамлашни мумкин ва лозим.

Шундай қилиб, ҳар иккала томон мулоқотларини давом эттиришни қўлда тутди. Биз муносабатларимиз яхши эканлигини ва бизда амалий куч-гайрат сарфлаш иштиёқи борлигини таъкидладик. Бундай иштиёқни Швейцария билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг жуда яқин ва бир мунча олис истисно бўлиб қолган ҳолати тасдиқлади, деб ўйлайман.

◆ КАЛИНИН. Калинин номи колхоз меҳнаткашлари 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик план ва топириқларини бажардилар. Ўтган беш йил давомида планда мўлжалланган 30 минг 555 тонна ўрнига 34 минг 788 тонна савбавот, 5375 тонна ўрнига 7698 тонна картошка етказиб берилди. Узум сотиш ҳам анча кўпайди.

Колхоз меҳнаткашлари беш йилликнинг якуловини йилда бажариш меҳнат қилдилар. Натижада давлат қабул пунктларига йиллик планда мўлжалланган 6 минг ўрнига 6068 тонна савбавот, 429 тонна картошка, 294 тонна узум жўнатилди. Давлатга 64 тонна маккажўхори томи етказиб берилди. Чорвадорлар гўшт, сут бўйича йиллик планларини муддатидан илгари адо этдилар. Пойтахт меҳнаткашларига 40 тонна ўрнига 51 тонна гўшт, 714 тонна ўрнига 720 тонна сут, 45 минг дона тухум тортқ қилинди.

В. П. ЧКАЛОВ номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўлаб бориладиган пудрат усулида ва ҳўналик ҳисобида ишламоқда. С. Норкин бригадасининг шу прогрессив усулини қўлаб ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа давр мобайнида яхши натижалар қўлга киритилди. Коллектив КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада бир неча ўн кўнликлардан бери голибликни қўлдан бермай келаётган.

Бригада аъзолари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топириқларини муддатидан анча илгари урдалаб қўйган эдилар. Улар шунингдек, 13 тонна металл ва электр энергияси тежашга эришганди. Бригада коллективи ана шу интиқод қилинган хом ашё ва энергия ҳисобига 27 кун ишлашга муваффақ бўлдилар.

С. Норкин бригадаси 20 турдаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Машинасозлар ҳар бир топириқни бажаришга киришадан олдин уни тез, соз ва тежамли бажариш йўллари излайдилар. Шундан кейингина металл парчаларини ташлаб юбормай, улардан кичик ҳажмли деталлар тайёрлашади. Ҳозир бу ахил коллектив партиянинг навбатдаги улкан анжуманини муносоиб совғалар билан қўтиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

А. КАШАПОВ.

◆ ЯНГИЙЎЛ. Назарали Нисоз номи колхоз деҳқонлари ҳозиргача давлатга пландаги 2572 тонна ўрнига 3030 тоннадан ортиқ пахта сотдилар. Ҳосилдорлик 35,5 центнерга етди. Айни кунларда дала ишлари қонейер усулида ташкил этилган. 3 та кўсак чувиш машинаси ишлаб турипти. Ҳосилдан бўшаган майдонлар нешмани шудгор қилинмоқда. Ҳар кун даладорлар 12 та ҳайдор трактори ишламоқда.

200 гектар майдонга 30—35 тоннадан гўшт солинди. 30 гектар майдон капитал текисланди. Ҳаммаси бўлиб шу кунгача 300 гектардан ортиқ ер шудгор қилиб қўйилди. Шудгорлар билан биргўла бегона ўтларга қарши гербицид ҳам селиб кетилмоқда.

Колхоз деҳқонлари келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун кузги-кишик тадбирларини кун сайин авж олдиришмоқда.

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК



● ПИСКЕНТ РАЙОНИ

РАЙОН пахтакорлари зиммаларидаги оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Мавжуд 14 минг 624 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга пландаги 42 минг 500 тонна ўрнига шу кунгача 45 минг 27 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Бу ҳосилнинг 27 минг тоннадан ортиги «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бу ғалабага план ва мажбуриятларини барвақт бажарган Охунбобоев номи, «Гулистон» колхозлари ва «Пискент» совхозининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

● ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

ОНА-ВАТАНГА мўл ва сифатли пахта етказиб бериш учун мусобақани авж олдириб меҳнат қилаётган район деҳқонлари йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажарган эдилар. Кун кеча оширилган мажбурият ҳам бажарилди. Қабул пунктларига 34 минг 951 тонна пахта етказиб берилди. Бу планда белгилангандан 4001 тонна ортиқдир. Х. Турсунқулов номи, Н. Нисоз номи, Ленин номи, Калинин номи, «Коммунизм» ва «Октябрь» колхозларининг заршунослари пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олиб, бу ютуққа қўшқилди. Шу кунгача райондаги мавжуд 145 та пахтачилик бригадасининг 100 дан ортиғи оширилган мажбуриятини шараф билан бажариб қўйди. Район пахтакорлари жами хирмонларини 35 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

● ЎРТА ЧИРЧИК РАЙОНИ

ЭНГЕЛЬС номи колхоз пахтакорлари социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топиришга киришдилар. Минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам

29 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 2894 тоннадан ортиқ пахта топирилди. Бу ҳосилнинг 77 проценти машиналар ёрдамида териб олинди. Қаҳрамон Нўдошев, Мусурмонкул Исмолов ўртоқлар бошчилиги қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳар гектар ердан 30—32 центнердан хирмон уйиб, барчага ибрат бўлдилар. Ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиққан хўжалик деҳқонлари жами хирмонларини 3065 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

● БЕКОВОД РАЙОНИ

МАВЛОНОВ номи совхозининг А. Абдурахмонов етакчилиги қилаётган 2-бўлим пахтакорлари дастлабчи доводдан олдидилар. Қабул пунктларига 1181 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бўлим механик-ҳайдовчилари умумий ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»лар бункеридан тўқинди. Пахтакорлар яна 100 тонна ҳосил топиришга сўз беришди.

Шу райондаги Ойбек номи совхозининг Р. Нишонов бошчилигидаги 4-бўлим деҳқонлари ҳам маррага етди. Ҳар 412 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 1238 тонна пахта топирилди.

● БУКА РАЙОНИ

«ЛЕНИНБОД» колхозида йиллик план ва мажбуриятларини бажарган бригадалар сафи кенгайиб борипти. Кун кеча Пўлат Хантов бошчилиги қилаётган бригада заршунослари ҳам зиммаларидаги мажбуриятларини ортиги билан адо этдилар. 79 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 300 тонна хом ашё топирилди. Ҳосилнинг асосий қисмининг бригада механизаторлари Яхшибой Абдуллаев ва Рўзимурод Хантовлар теришди.



«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУГРИСИДА
ШУ ЙИЛ 19 НОЯБРГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада тайёрланган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

Янгийўл	0,13	112,93	—	116,15
Ғалаба	0,03	106,47	0,01	137,74
Ўрта Чирчиқ	0,17	106,34	—	103,22
Пискент	0,08	105,94	—	94,89
Чиноз	0,02	104,36	—	85,05
Коммунистик	0,03	103,65	—	117,72
Бўка	0,06	102,01	—	106,90
Оққўрғон	0,04	100,48	—	102,02
Бекобод	0,51	96,25	—	55,58
Область бўйича:	0,15	103,41	—	101,30


Республикаимиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида) Фарғона — 109,91; Наманган — 107,35; Сирдарё — 100,71; Андижон — 98,21; Сурхондарё — 97,63; Хоразм — 93,81; Қорақалпоғистон АССР — 92,77; Жиззах — 86,50; Бухоро — 84,78; Самарқанд — 84,10; Навоий — 82,31; Қашқадарё — 71,92. Республика бўйича — 93,60.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

◆ «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кўнликлар умумий остида бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фавол қатнашмоқда. Шу тўғрисида ҳам давлат планлари оий сайин ортиги билан адо этилапти. Ўн биринчи беш

йиллик сўнги йилининг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз пахтакорларига қўшимча қўлаб сепкалар ва бошқа кишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилди. КПССнинг съездодли тарихий ҳужжатлари бирлашма коллективи куч-гайратини янада авж олдириб юборди. Ишчи-хизматчилар меҳнатда

янги ютуқларни қўлга киритиш учун ўзаро беллашуви кун сайин қизимтоқдалар. Ушбу сураатларда корхонанинг механика-йиғув цехини ва илгор машинасоз, 36 йилдан бери йиғувчи-слесарь бўлиб ишлаб келаётган мураббий ишчи Ю. Сидоровни (чапда) қўриб турбисиз. И. Зарафшанский фотоси.



ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

16 НОЯБРДА меҳнат интизомининг мустаҳкамлаш ва иш вақтининг зое кетишини камайтириш жамоатчилик кўрнига раҳбарлик қилувчи област ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини ташкилий комитет раиси, Тошкент област партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев олиб борди.

Ақмал Икромов район уй-жой-ишлаб чиқариш фойдаланиш трестиде меҳнат интизомининг мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган иш муҳокама қилинди. Трестда област ташкилий комитети томонидан шу йилнинг 5 сентябрида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор чоралар амалга оширилганлиги таъкидланди. Жумладан, проггулар, касалликлар гуфайли иш вақтининг йўқолиши, ишга келмаслик ҳолатлари камайди.

Ташкилий комитет айни вақтда трестда интизоми мустаҳкамлаш бўйича ижтимоий ҳақиқатни фойдаланилмайётганлигини кўрсатди. Трестга қарашли қатор бўлинмаларда кўрик натижалари яқунлашмайди, кўрик комиссияси бир маромда ишламаяпти, унинг ишини планлаштиришда ҳамон расмийчиликка йўл қўйилмоқда. Трест раҳбарлигига белгиланган камчиликларни бартараф этиш таъкид этилди.

Кенгашда ўтказиладиган жамоат кўрнугининг Тошкент област юк ташинг автомобиль трестининг меҳнат коллективларида меҳнат интизомининг мустаҳкамлаш, иш вақтининг йўқолишини камайтиришга таъсир самараси кўриб чиқилди. Област ташкилий комитети трестнинг барча автомобиль корхоналарида коллективларнинг интизоми мустаҳ-

камлаш, меҳнат-активлигини ривожлантириш бўйича ҳукудларини амалга оширишлари учун барча шароитларни яратиб беришни талаб этилди.

Трестда интизоми мустаҳкамлаш бўйича кўрсатилган йўлларга интизоми амалга оширилганлиги лозим даражада назорат қилинмаётганлиги кўрсатилди. Айниқса, Андижондаги 72-Бўстонлиқдаги 125-Бекободдаги 45-автомобиль корхоналарида интизоми оқсамоқда. Уларда кадрлар кўнимсизлигини катта Бирок, унинг сабаблари чуқур ўрнанилмайди, уларни бартараф этиш учун амалий чоралар кўрилмади. Бунинг учун раҳбарларга нисбатан лозим даражада талабчанлик қилинмади.

Област ташкилий комитети ўз қарориде автомобиль трести ва унинг автомобиль корхоналари маъмуриятлари ва жамоат ташкилотлари интизомининг мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини ва кадрлар кўнимсизлигининг камайтириш бўйича барча чораларни кўриб кетилиши таъкидланди.

